

## МОЛИЯВИЙ ИНСТРУМЕНТЛАР МҲХС 9 СТАНДАРТИНИ АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

**Юнусов Улуғбек Тулаганович**

*Ўзбекистон Республикаси Банк молия Академияси  
БХАН 2207 гуруҳ тингловчиси*

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири саналади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ 4611-сонли қарори ушбу вазифаларни амалга оширишда туртки бўлди. Қарорга кўра, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар 2021 йил 1 январдан бошлаб, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиши ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида тайёрлаши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги ” ПҚ 3270 – сонли қарори қабул қилиниши республикамиз банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустақкамлаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари спекторларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини берди.

Ушбу қарорнинг 1-иловасига мувофиқ 2017-2021 йилларда илғор банк амалиёти асосида банк-молия тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари комплекси ишлаб чиқилган бўлиб, чора тадбирларнинг 10 – бандига кўра 9-молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти бўйича молиявий активлар таснифи ва баҳосининг янги талабларини жорий этиш йўли билан тижорат банкларининг молиявий ҳисоботини тайёрлаш сифатини ошириш белгилаб берилган.

Тижорат банкларида банк активларини мунтазам равишда самарадорлигини ошириш учун доимий равишда инвестициялар киритиш талабларидан бири молиявий ҳисоботларни халқаро стандартлари асосида юритиш ва улардан фойдаланишдир. Айниқса банк активларини қадрсизланиши ҳисобини 9-сонли молиявий ҳисоботларнинг халқаро

стандарти асосида юритиш қулай инвестицион муҳит яратади. Чунки ушбу стандарт асосида ҳисоб сиёсати юритилиши инвесторлар учун қулай ва ишончли молиявий ҳисоботлар тақдим этилиши натижасида банкка инвестициялар киритиш имкониятини яратади.

Халқаро амалиётда банк активларини квалификация қилиш, қадрсизланишини ҳисобга олиш ва уни 9 - сонли “молиявий инструментлар” стандартига мувофиқлаштириш, ва уни такомиллаштириш мақсадида дунёнинг кўплаб мамлакатларида доимий равишда илмий изланишлар олиб борилмоқда. Лекин ушбу соҳада ечимини кутаётган масалалар жуда кўплиги ва жаҳондаги тажриба ҳамда илмий ютуқларни ўрганиш асосида банк активларини баҳолаш, уларнинг ҳолати ва таркибини ўрганиш натижасида активларни бошқариш бўйича тўғри ва аниқ қарорлар қабул қилишга қаратилган илмий ва амалий тадқиқотлар олиб бориш зарурати вужудга келмоқда. Банкларда банк активларини қадрсизланишини самарали ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади. Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида “молиявий инструментлар ” номли 9-сонли стандарт асосида банк активларини ҳисобга олиш, уларнинг қадрсизланишини тўғри ҳисобга олиш муҳим аҳамият касб этади.

Хозирги кунда тижорат банкларида банк активлари қадрсизланиши ёки бошқача қилиб таърифлайдиган бўлсак, банк активларига эҳтимолий йўқотишларга қилинадиган заҳиралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун заҳиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида” ги Низом талаблари асосида ҳисоб китоб қилинади. Ушбу низомга мувофиқ банк активларига эҳтимолий йўқотишларга заҳиралар яратишда активларнинг асосий қарзи ва фоизлари бўйича муддати ўтганлиги, қарз олувчининг жорий молиявий ҳолати ёки унинг пул маблағларининг мўлжалланаётган оқими мажбуриятларни қоплаш учун етарлилиги, қарз олувчининг капитали етарли даражадалиги, картотека 2 ҳисобрақамида қарздорлик суммалари, молиявий ҳисоботлари, кредит ҳужжатларида етарлича ахборот ёки таъминот бўйича ҳужжатлари таҳлили асос қилиб олинади.

Юртимиз тижорат банкларида банк активларини квалификация қилиш, қадрсизланишини ҳисобга олишда 9 - сонли МҲХС “молиявий инструментлар” стандартини қўллашда юқоридаги омиллардан ташқари республикамизнинг халқаро молиявий рейтинг компаниялари томонидан берилган рейтинги, мамлакатнинг макроиқтисодий кўрсаткичлари, корреспондент ташкилотларнинг рейтинглари, шунингдек, уларнинг тарихий статистик маълумотлари, қарздор корхоналарнинг фаолият тури, яъни мавсумийлиги таҳлили ҳисобга олинади. Бу эса ўз навбатида банк активларини қадрсизланишини оқилона баҳолашни юзага келтиради ва

молиявий ҳисоботларда банк активларини ҳаққоний акс эттириш имконини яратади. Ва бу орқали инвесторларни молиявий ҳисоботдан оладиган маълумотларини ҳаққонийлигини таъминлайди, шунингдек келгусида қабул қиладиган қарорларига ижобий тасъир кўрсатади.

*Ушбу тезисни бажариш натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди.*

Тижорат банкларида банк активларини квалификация қилиш ва қадрсизланишини ҳисобга олишда кўшимча равишда корреспондент ташкилотларнинг рейтинглари, шунингдек, уларнинг тарихий статистик маълумотлари таҳлили, қарздор корхоналарнинг фаолият тури, яъни мавсумийлигидан келиб чиқиб захиралар яратиш таклиф қилинмоқда. Бу эса ўз навбатида банк активларини қадрсизланишини оқилона баҳолашни юзага келтиради ва молиявий ҳисоботларда банк активларини ҳаққоний акс эттириш имконини яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ 3270 – сонли қарори*

2. *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисидаги” ПҚ 4611-сонли қарори*

3. *9 - сонли МХҲС “молиявий инструментлар”*

4. *Тижорат банкларида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари: Дарслик (2-қайта ишланган нашри) / А.К.Ибрагимов, З.А.Умаров, К.Р. Хотамов, Н.К.Ризаев.*

## **СОЛИҚЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИНИНГ ИЛМИЙ НАЗАРИЯСИ**

**Ирматов Абдумалик Абдубилол ўғли**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
мустақил изланувчиси*

Ривожланаётган мамлакатларнинг ўз қонунларини қўллаш қобилияти, солиқдан қочиш ва бўйин товлашнинг олдини олиш учун кучлироқ анти-қатарувчи қоидалар ва солиқ базасини кенгайтириш - буларнинг барчаси умумий солиқларни ошириш учун зарурдир. Ҳукуматлар солиқларсиз жамиятларнинг эҳтиёжларини қўллаб-қувватлай олмайди. Н.Калдор таъкидлаганидек, солиқлар жуда муҳим, чунки ҳукуматлар солиқлардан ижтимоий дастурларни молиялаштириш учун фойдаланишлари керак [1].

Дарҳақиқат, ҳар қандай давлатнинг солиқ тизими унинг иқтисодий ва фискал тузилишининг муҳим таркибий қисми бўлиб, Ўзбекистон ҳам бундан мустасно эмас. Ўзбекистон ҳам бошқа давлатлар сингари ўз фаолиятини молиялаштириш, давлат хизматларини қўллаб-қувватлаш ва иқтисодий тараққиётни рағбатлантиришда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган мураккаб солиқ тизимини ишлаб чиққан бўлиб, солиқ тизими тўғридан-